

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

Сихат тиласанг
кўп ема,
иззат тиласанг
кўп дема.

Халқ нақли

2020 йил 10 сентябрь • пайшанба • № 99 (4384)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Пахта йиғим-терими: ИШЧИЛАР МАНФААТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Пахта хомашёси ҳосилини йиғиб-териб олишда теримчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга муносиб меҳнат шартлоғлари яратиш борасида касаба уюшмаларининг асосий вазифалари» мавзусида онлайн шаклдаги амалий семинар ташкил этди. Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги туман кенгашлари мутасаддилари иштирок этди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистонда ратификация қилинган меҳнат муносабатларига оид конвенциялари талабларига риоя этилиши, пахта йиғим-теримида теримчиларни жалб қилишда улар билан меҳнат шартномаларини тузиш, уларни касаба уюшма аъзоллигига жалб қилиш ҳамда бошқа бир қатор

масалалар муҳокама этилди. Кейинги йилларда Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуслари билан ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги тизимли ислохотлар натижасида мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳолатларига батамом чек қўйиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда.

3 >



Самарқанд вилояти



Ишчи гуруҳ фаолияти



Кувонч улашаётган ташаббус

3 >



КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни Мустақиллик куни билан табриқлади.

Бош вазир ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Ўзбекистондаги АҚШ ва Европа Иттифоқи дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари билан пахта ва тўқимачилик соҳаларини ислох қилиш бўйича ҳамкорлик истиқболи муҳокамасига бағишланган онлайн маслаҳатлашув ўтказди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва Украинанинг мамлакатимиздаги элчиси Николай Дорошенко билан учрашув бўлиб ўтди.

Quacquarelli Symonds (QS) халқаро рейтинг агентлигининг Англияда чоп этиладиган QS Global Education News хабарномасида «TIAME only Uzbek institution represented in QS EECA rankings (ТИҚХММИ – QS EECA рейтингдан жой олган Ўзбекистоннинг ягона институти)» сарлавҳаси остида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг эришаётган натижалари тўғрисида мақола чоп этди.

Жорий йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Халқлар дўстлиги университети (РУДН)нинг Ўзбекистондаги расмий вакили Андрей Колесников ва унинг ёрдамчиси Ирина Коноваленко Сирдарё вилоятида бўлди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти, социология фанлари номзоди Хатира Камалова Россия Федерациясининг Илмий ғоялар маркази (Центр научной мысли) томонидан ўтказилган «XXI аср инновацион технологиялари» мавзусидаги V халқаро илмий мақолалар танловида биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Куролли Кучлари академиясида «Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашда Куролли кучларнинг роли» мавзусида халқаро илмий онлайн-конференция бўлиб ўтди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Шараф Уснатдинов вафот этди.

ЎА хабарлари асосида тайёрланди.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!



Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятнинг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Курултойига қизгин тайёргарлик кетяпти. Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конферен-

циялари уюшқоқлик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди.

Айни пайтда эса қизгин руҳда ўтаётган Республика кенгашлари курултойларида касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган анжуманларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.

2 >

ТЎҒРИ ТАЛҚИН у меҳнат муносабатларида муҳим аҳамиятга эга



МАКТАБ КЎРМАГАН КИНОЧИЛАР



Келгуси сонларда ўқинг...

Ер «қалқони»
емирилмоқда

Мутелик
ёт жонзот

Ёнимизда хавф,
аммо биз бефарқ

Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Бугун мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари авжида. Пурвиқор бинолар, раvon йўллар қуриляпти, замонавий жамоат транспортлари одамларга хизмат кўрсатяпти. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ишчи-ходимларга доимий моддий, маънавий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатилиб, улар саломатлиги ва дам олиш шароитлари бўлиқ масалалар ўз вақтида ҳал этилаётгани ўшбу ютуқлар омили бўлаётди. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси қурултойида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилиб, сўнгги беш йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

казилиб, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш берувчилар мажбуриятларининг киритилиши ҳам таҳсинга лойиқдир. Ходимлар учун қўлай шароит ва имкониятларни яратиб, уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш бўйича кенг кўламли ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси назоратга олинди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийнаётган шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Аёллар учун тармоқ корхоналарида касаначилик иш ўринлари яратилишига эришилди. Худудларда жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти, меҳнат муҳофазаси ва бошқа меҳнатга доир мавзуларда ўқувлар ўтказилди. Бошланғич ташкилотлар фаолларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва касба уюшмалари фаолияти йўналишлари бўйича тажрибасини ошириш мақсадида туман ва шаҳарларда бир қатор сайёр семинарлар ташкил этилди. Давлат дастурларининг корхона ва ташкилотларда бажарилишига доир кўшма қарорлар қабул қилинди. Утган йили Транспорт вазирлиги ташкил

миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақидан қарздорлик ундирилишига эришилди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бу ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил амалга оширилишида аъзоларнинг қарийб учдан бир қисмини ёшлар ташкил этадиган тармоқ касба уюшмасининг фаол иштирокини таъминлаш, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг республика босқичида «Энг фаол ёш транспортчи» ҳамда «Энг ёш қурувчи» номинациялари бўйича 27 нафар ёш мутахассис ўзларининг лойиҳалари билан иштирок этди. Ҳолилар Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Энг яхши ишчи касб этаси» танлови 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ишчи-ходимлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилиб, уларда иштирокчилардан 6 нафари ғолиб деб топилди. Қолган иштирокчиларнинг ҳам меҳнати юксак баҳоланиб, ҳар бирига



Салом Абдурашидов олган сўзлар

Меҳнат муҳофазаси мунтазам ҳимояда

Тармоқ тизимида айна пайтада 2072 та корхона ва ташкилот фаолият кўрсатиб, 207 316 нафар аъзо ижтимоий ҳимоя қилиб келинмоқда. Уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан ҳисобот йилларида муайян ишлар амалга оширилди. Тармоқ келишувлари бажарилиши йил сайин чуқур таҳлил қилинмоқда. Тегишли кўшма қарорлар қабул қилиниб, ижроси қатъий назорат қилинмоқда. Келишувларда кўзда тутилган кафолат ва имтиёзлар корхоналарда имзоланган жамоа шартномаларига киритилаётди. Келажакда корхоналарда қабул қилинадиган жамоа шартнома лойиҳалари экспертизадан ўтказилиб, уларга тармоқ келишуви билан белгиланган мажбуриятлар киритилишига эришилди. Қолаверса, коллеж битирувчиларига ҳам корхона жамоа шартномасида барча ишчилар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар кўламини тақдим этиш, амалиёт ўтувчи талабаларга малакали мутахассисларни устоз сифатида бириктириш, янги ишга жойлашган олий ўқув юрти ёки коллеж битирувчиларига касба уюшма маблағи ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан бир йўла бериладиган моддий ёрдам бериш ва уларнинг иш жойида қўнимчилигини таъминлашга доир мажбуриятларнинг ижроси таъминланмоқда. Республика кенгашида ходимлар сони 500 нафар ва ундан ортиқ бўлган корхоналарнинг жамоа шартномаси лойиҳалари экспертизадан ўт-


тилгач, худудлардаги автомобиль транспорти бошқармалари қошидаги бошланғич касба уюшма ташкилотлари вазирлиқнинг бирлашган касба уюшма кўмитаси таркибига жалб этилди. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш, механизм, дастгоҳ ва ишлаб чиқариш воситалари, бино ва иншоотларнинг хавфсизлигини ҳамда ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси бўйича тарғибот ишларига эътибор кучайтирилди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари олдини олиш тадбирлари тармоқ келишувлари асосида тузилган жамоа шартномалар орқали амалга оширилди. Бошланғич касба уюшма ташкилотлари томонидан мунтазам равишда меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назорати олиб борилди. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, натижалар бўйича зарур чораларни кўриш касба уюшма ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётгани ҳам айна мўддао бўлмоқда. Утган даврда тармоқ касба уюшмасига фуқаролардан 1287 та мурожаат келиб тушди. Меҳнаткашларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга оид иш берувчиларга 38 та тақдимнома, фуқаролик ишлари бўйича судларга 13 та даъво аризаси киритилиб, 67 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди. Уларга 314 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги ҳақи ундириб берилди. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлардаги 2,5



диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Республика кенгаши қошидаги хотин-қизлар комиссияси ҳам фаол иш юритиб келяпти. 2015 йилнинг апрелида Қувасой шаҳрида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлашда ижтимоий шерикликнинг ўрни» мавзуда ўқув-семинар ўтказилди. «Қувасойцемент» АЖ, «Қизилқумцемент» АЖ ва шу каби тармоқдаги барча йирик корхоналарда хотин-қиз-

лар комиссиялари тузилиб, улар ишчи аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаб келмоқда. Барча қуйи касба уюшма ташкилотларида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Маънавият кун» деб белгиланиб, утган даври давомида 1 200 дан зиёд «Маънавият соатлари» ташкил этилган бўлса, ҳар йили ишчи-ходимларнинг мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий шаҳарларга саёҳати уюштириляпти. Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар корхона, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган 100 миң нафардан ортиқ ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзолари Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Утган йилнинг майида Тошкент шаҳрида тармоқ корхона, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган 9 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият юритмоқда. Уларда утган даврда 34 707 нафар бола дам олдирилди. Ҳисобот даврида қўшни мамлакатлар ва МДҲ давлатлари тармоқ касба уюшмалари билан кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Россия, Беларусь, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон

тармоқ касба уюшмалари ҳамда халқаро транспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касба уюшмалари бирлашмаси билан ҳамкорлик битимлари ва меморандумлар имзоланди. Республика кенгаши вакиллари 2017 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро ўқув марказида малака оширишди. 2018 йил августда Республика кенгаши МДҲ давлатлари йўлчиларининг IV Қурултойига бағишланган Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон худудларидан ўтадиган узунлиги 6 миң километри автотўйга қатнашди. Шу йилнинг ноябрида эса тармоқ касба уюшмаси ташкилотларининг моҳир пайвандчилари ШХТга аъзо давлатлар пайвандчилари ўртасида Пекинда бўлиб ўтган мусобақада иштирок этиб, ғолиблар сифидан жой олишди. Келажакда Халқаро Транспортчилар Федерацияси ҳамда Бутунжаҳон қурилиш ва дарактни қайта ишлаш соҳаси ходимлари касба уюшмалари Федерацияси аъзолигига кириш режалаштирилган. Қурултойда делегатлар ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга атрофлича тўхталишди. Якунда тармоқ касба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолиятига ижобий баҳо берилди. Республика кенгаши ва раёсати, тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қурултойига делегатлар сайланди. Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раислигига Абдулла Нугманов номзоди бир овоздан маъқулланди. Республика кенгашининг ташкилий мажлисида Республика кенгаши раиси ўринбосарлари этиб Б.Султонов ва Ш.Муҳамеджанов сайланди. Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилан олинди.



Салим АБДУРАШИДОВ, «ISHONCH»

Етакчи ҳалол, адолатли, ғамхўр ва ҳамкасбларига елкадош бўла олсагина иш бароридан келади, ходимларнинг эртанги кунга ишончи ортади. Аксинча бўлса-чи? Истаймизми-йўқми, ўша масканда меҳнат нунособатларига дарз ета бошлайди.

Кун кеча Олмалик кон-металлургия комбинатида бундан беш йил муқаддам 40 миң нафар ишчи меҳнат ҳимояси учун бир овоздан ишонч билан сайланган Касба уюшмаси кенгаши раиси ва фаоллар томонидан амалга оширилган 5 йиллик фаолият юзасидан ҳисобот эшитилди. «Zoom» платформаси орқали он-лайн тарзда ўтган конференцияда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ерқин Файзуллаев, Федерациянинг юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов, Олмалик кон-металлургия комбинати бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов ҳамда унинг ўринбосарлари, комбинат корхоналари раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича масъуллар, касба уюшма кўмиталари раислари иштирок этди.

Конференция кун тартибига кўра, дастлаб «Олмалик КМК» АЖ ходимлари касба уюшмасининг 2015-2020 йиллардаги фаолияти бўйича комбинат ходимлари касба уюшмаси Кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаров маъруза қилди.

Таъкидландики, касба уюшмаси ўз фаолиятини комбинат жамоа шартномасига таянган ҳолда, иш берувчи билан шериклик тамойиллари асосида ташкил этаётгани ўз самарасини бераётди. Хусусан, жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун комбинат бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга 2019 йил давомида сарфланган маблағ 12,9 миллион сўми ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 117,3 фоизга етган.

– Биз учун меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг хавфсизлиги ва уларнинг саломатлиги ҳамisha устувор масала ҳисобланади, – деди А.Ҳайдаров. – Ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан бошланғич касба уюшмаси таш-

киликларни бартараф этиш бўйича 56 та тақдимнома киритилди ва барча камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришилди. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси вакиллари 72 маротаба ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишига қабул қилиш, 66 марта ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссияларида ва 11 та тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этди. Ҳисобот даври мобайнида жамоатчи вакиллар томонидан 31 360 маротаба уч погонали маъмурий жамоатчилик назорати ўтказилиб, текширувлар натижасида 44 318 та меҳнат хавфсизлиги талабларининг бузилиш ҳо-


лишларидан бири бўлиб, Меҳнат кодексининг 101-моддасига асосан «Олмалик КМК» АЖ тизимидаги бошланғич ташкилотлар касба уюшмаси кўмиталарида иш берувчининг ташаббуси билан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини беқор қилиш юзасидан 508 та тақдимнома кўриб чиқилди. Касба уюшмаси кўмиталари мазкур тақдимномаларнинг 199 тасига розилик бермаган ва ходимлар ўз иш жойида қолдирилган. Ҳисобот даврида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларни амалга оширишда ходимларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш муҳим ўрин тутди. Шу ўринда ҳисобот даврида дам олиш сиҳаттоҳ (санаторий)ларида 3659 на-



кунга қадар касба уюшмаси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт бўлими қошида 16 хил спорт тури бўйича (баскетбол, гандбол, бокс, шахмат, сузиш, футбол, эркин кураш, кураш, стол теннис, оғир ва энгил атлетика, таэквандо, велоспорт, дзюдо, каратэ ва бошқалар) 16 та секция ва 47 та гуруҳ ташкил этилган. Уларда 600 нафардан ортиқ болалар ва ёшлар машғулотларда мунтазам қатнашиб келмоқда.

Конференцияда комбинат ходимлари касба уюшмаси Кенгаши таркибига сайланганларнинг ваколатини тасдиқлаш, назорат-тафтиш комиссиясининг таркиби, «Олмалик КМК» АЖ ходимлари касба уюшмаси кенгаши раисини (ўринбосарини) сайлаш, назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қурултойига делегатларни сайлаш, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига номзодлар кўрсатиш каби ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Олмалик КМК» АЖ ходимлари касба уюшмасининг беш йил давомидаги фаолияти қониқарли деб топилди, «Олмалик КМК» АЖ ходимлари касба уюшмаси Кенгаши раислигига Абдурашид Ҳайдаров бир овоздан қайта сайланди.

Конференцияда сўз олган Олмалик кон-металлургия комбинати бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов комбинатда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, бунда касба уюшмаси Кенгашининг алоҳида ўрни борлигини эътироф этди.



Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

килотларида 218 маротаба меҳнат муҳофазаси ҳолатлари ўрганилиб, 361 та қонда ва меъёр талаблари бузилиши аниқланди. Аниқланган кам-

латлари аниқланди ва тегишлилиги бўйича тақдимномалар киритилиб, мавжуд камчиликларни пешма-пеш бартараф этишга эришилди.

Комбинатда меҳнат муҳофазаси бўйича тарғибот ишларини таъминлаш ва ходимларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида «Ўз касбининг моҳир устаси» кўрик-танловларини ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳисобот даврида 360 дан ортиқ касблар бўйича кўрик-танловлар ташкил этилди, ғолиблар касба уюшмаси Кенгашининг махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.


«COVID-19» касаллигининг аҳоли ўртасида тарқалишига қарши кураш кетаётган бир вақтда корхоналарда карантин талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, ижтимоий назорат ишлари талаб даражасида амалга ошириб келинмоқда. Корхоналарга кириш йўлаклари, ишчилар ошоналари ва иш тақсимлаш хоналарида тарғибот-ташвиқотга қаратилган кўргазмалар, анти-септик воситаларидан фойдаланиш ва ходимларнинг ҳароратини ўлчаш каби профилактик ишлар ташкил этилган.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқлари бузилгани ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриш касба уюшмаси фаолиятининг энг муҳим йўна-

фар ходим соғломлаштирилди. 1632 та йўлланма касба уюшмаси бюджетидан, 2027 та йўлланма ижтимоий сугурта ҳисобидан ва 136 та йўлланма бепул тарқатилди. Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги санаторийларда 263 нафар ходим, ОКМК санаторий-профилакторийсида 19 038 нафар ходим (1611 нафари бепул) соғломлаштирилди. Кўп тармоқли «Янгийўл» кардиологик санаторийсида 1605 нафар ва «Аппартак» сиҳаттоҳида 402 нафар ходим ўз соғлигини тиклади.

Меҳнаткашларнинг фарзандларини ёз мавсумларида болалар оромгоҳларида дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида «Гулзор», «Металлург», «Истиқлол», «Тонг» ва «Хандиза-Парвоз» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 18 160 нафар 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар мароқли хордик чиқарди. Кам таъминланган, кўп болали ходимларнинг 1518 нафар фарзандларига бепул йўлланмалар берилди. Ҳар йили ёзги мавсумда Бўка ва Чирчиқ шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи 40 нафар болалар учун бепул дам олиш ташкил этиб келинмоқда.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиб, меҳнат жамоалари ўртасида бу йўналишда кенг тарғибот ишларини амалга ошириш ўта муҳим масалалардан бўлиб, бугунги



Пахта йиғим-терими: ИШЧИЛАР МАНФААТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

41 Асосий Қонуниимизнинг 37-моддасида суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таққиланиши аниқ кўрсатилган. Меҳнат кодексининг 7-моддасига биноан мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги қонуний талаблар ижросини таъминлашда жиддий амалий қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, ҳокимлар, барча даражадаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига тегишли кўринишдаги мажбурий меҳнат ҳолатларининг зудлик билан олдини олиш ва чек қўйиш, бундай ҳолат рўй берганда эса ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш вазифалари юклатилди.

Пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғим-териб олиш, йиғим-терим иштирокчиларига дала ва шийпонларда зарур шарт-шароитларни яратиш, терган пахтаси учун муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш ҳамда бошқа рағбатлантирувчи усуллар жорий этиш, ушбу кулайликларни ҚАВ ва бошқа воситалар кўмагида кенг тарғиб қилиш асосида аҳоли вакиллари пахта теримидаги ихтиёрли жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси пахта йиғим-терими мавсумида теримчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жамоатчилик на-

зоратини амалга оширади. Бундан ташқари, терим отрядлари аъзолари касабаси уюшмасига аъзо бўлишлари ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жамоа музокараларини ўтказиш ҳўқуқидан фойдаланишлари учун имкониятларни яратиш белгиланган. «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касабаси уюшмаларига бирлашиш ҳўқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конвенциясига мувофиқ терим отрядлари аъзоларининг отряд касабаси уюшмаси ташкилоти тузиш, отряд касабаси уюшмаси ташкилотчисини сайлаш ва Агроеканот мажмуи ходимлари касабаси уюшмасига аъзо бўлиб кириш ҳўқуқидан фойдаланишлари таъминланади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун мўлжаллаб ишлаб чиққан «Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш» бўйича услубий қўлланма пахта мавсуми билан боғлиқ мажбурий меҳнат ҳолатларига барҳам беришда яқиндан кўмакдош бўлишига шўбха йўқ. Ушбу қўлланма барча манфаатдор вазирлик, идора ва ҳўқимликларга етказилган бўлиб, унда халқаро меҳнат стандартлари, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳўқуқий асослари, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи миллий институтлар ҳақида кенг тушунча берилган. Унда мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар ҳам жой олган.

Амалий семинарда клас-

тер ва фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг куйидаги мажбуриятлари алоҳида таъкидлаб ўтилди:

– дала шийпонлари, пахта йиғим-терими ташкил этиладиган далаларда меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

– теримда иштирок этадиган терим отрядлари раҳбарлари ва теримчилар учун пахта даласида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш юзасидан тегишли меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқларни бериш (пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш майдонларида содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар тўғрисида тушунтириш бериш ҳамда маъсулларнинг жавобгарлигини ошириш);

– теримда иштирок этадиган терим отрядлари учун ётоқ жойларини тасдиқланган дислокация асосида белгиланган ётоқ хоналари ва овқатланиш жойларини туман санитария-эпидемиология марказлари билан шартнома орқали дезинфекция қилишни ташкил этиш;

– пахта йиғим-теримида иштирок этадиганлар (трактор ҳайдовчиси, тарозичи, пахтани юкловчи ва бошқалар) тарафидан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишини назорат қилиш;

– терим иштирокчилари соғлигини назорат қилиб бориш мақсадида ётоқхоналарда тиббий пункт ташкил этиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш.

Анжуман якунида иштирокчиларга теримчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Самарқанд вилояти



Қувонч улашаётган ташаббус

Ижтимоий мураккаб аҳволга тушиб қолган оилалар, иш ахтарётган хотин-қизлар Каттақўрғон туманида ҳам анчагина. «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли тадбирлар» дастури асосида уларнинг муаммоларига ечим топилмоқда.

– Уйма-уй юриб ўрганиш асосида тумандаги ўнга яқин оилаларнинг бошпанасига эга эмаслиги аниқланди, – дейди Самарқанд вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов. – Туман ҳўқимлиги билан бамааслаҳат чора-тадбирлар ишланган. Қўли калта, ночор оилаларга янги уй қуриб беришга келишилди.

Ўтган олти ойда Каттақўрғонда чинакам ҳаёт қайнади десак, асло муболағига йўйманг. Қурувчилар кунни тунга улаб меҳнат қилишди. Савобли-хайрли ишининг баракаси бўлади, деганларидек, «Богот» маҳалласига фойз бағишлайдиган даражадаги, ҳар жиҳатдан қинмаган ва замонавий 10 та ҳовлини уй қад ростлади. Ҳўқимлик ва касабаси уюшмалари тамал тошини қўйган бу тураржой мажмуалари «Темир рўйхат»га олинган, қўйналган оила соҳибаларига бепул тақдим этилди.

– Замонавий уй-жойлар қурилишига бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда 1 миллиард 600 миллион сўм миқдоридagi маблағ йўналтирилди, – деди Каттақўрғон тумани ҳўқими Аъзамхон Баҳромов янги уйлари ўз эгаларига топширишга бағишланган тадбирда. – Туманимиз тадбиркорлари, савоатпеша инсонларидан беҳад миннатдоримиз. Касабаси уюшмаларининг 643 миллион сўмлик мадади аёллар муаммосига ечим топишимизда қўл келди. Хонадонларнинг барчаси туман «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан жиҳозланди. Ҳар бир оилага бекаму-кўст яшаш имкониятини яратиб беришга интилди.

Туманимиз «Наймган» маҳалласида, Қўймадўз қишлоғида яшовчи Меҳринисо Эшмуродова ҳаётда қийналганлардан бири. Қисмати азалми, уч нафар фарзандидан икки нафари ногирон туғилди. Ўз ёнига ўзи қоврилиб юргани етмаганидек, турмуш ўртоғи ногирон фарзандларни рўқач қилиб, оиласини ташлаб кетди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Яқиники, олижаноб инсонлар кўп бу дунёда. Ишчи гуруҳи у яшаётган хонадонда бўлишди. Уй-жойсиз, уч бола билан қолган ёлғиз аёл дарди тинганди.

– Гойибдан келадиган бахт афсона эмас экан, – дейди Меҳринисо Эшмуродова. – Тўғриси, уч хонали бундай замонавий уйнинг бепул берилишини сира кутмагандик. Бошимиз осмонга етди. «Богот» маҳалласининг Тегирмонбоши кўчасида яшовчи Нафиса Маърупова ҳам бахт қилиб боқмади. У саломатлигини йўқотиб қўйган, турмуши ҳам дарз

кетди. «Касал хотин кимга керак?» қабилида иш тутган турмуш ўртоғи ундан юз ўгирди. Ўрганишлардан сўнг ҳўқимлик Нафисани шундоқ ташлаб қўймади. Унинг хунардини ҳисобга олиб, ота ҳовлиси олдидан новвойхона қуриб берди. Янги хонадоннинг калити топширилганида эса Нафисанинг севинч ёшлари яноқларини ювди.

– Жигар, қавм-қариндошнинг ҳам ўз ташвиши бор, – дейди Нафиса Маърупова. – Улар тиргак, суяч бўлса ҳам бирибир бу дунёда ўзининг ёлғиз сезар экансан. Аммо бугун бу ҳолатни хаёлимдан ҳайдадим.

Сутхур қишлоғида яшовчи Шаҳноза Ортиқова 20 йилдан буён уйсиз. Уч нафар фарзанди билан турли хонадонларда ижарада яшаб келаётгани оиланинг ўзи уй қуриб олишига имкони йўқ эди. Турмуш-ўртоғи Марат Ҳайитов ногирон «Темир» дафтарга кириштирилган бу оилга ҳам замонавий уй калити топширилди.

Каттақўрғонда аёллар ва ёшлар муаммоларига алоҳида ёндошилмоқда. Туманда ижтимоий муаммолар қўрғовида қолган, ишсиз, низоли оилалар, ҳатто хорижга ишлаб кетган аёллар муаммоларини ўрганиш мақсадида «Аёллар дафтари» юритиб келинмоқда. Ана шу дафтарда туманда яшаётган барча аёлларнинг турмуши ўз аксини топмоқда. «Ёшлар дафтари» да эса ёшлар муаммолари акс эт-

Ишчи гуруҳ фаолияти

тирилмоқда. Ҳўқим ташаббуси билан аёллар тақдирлари асосида қатор маҳалларда айнан хотин-қизларни иш билан таъминлашга йўналтирилган корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

«Бургансой» маҳалласида барпо этилган «Жасурхон мубина» МЧЖда 50 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Тадбиркор Мафтуна Абдуллаева ўзи ишлаб топган 100 миллион сўм маблағни ана шу корхона қурилишига йўналтирди. 50 миллион сўм банк кредити ва 100 миллион сўм миқдордаги Бандлик жамғармаси субсидияси кооператив йўналишидаги янги ташкилотнинг иш бошлашига имкон туғдирди.

Мирзо Улўбек номидаги маҳаллада яшовчи тадбиркор Шаҳноза Уролова 40 ўринли «Пайшанба текстил-80» МЧЖга асос қўйди. Бу корхона 50 миллион сўм тадбиркорнинг маблағи, 100 миллион сўм банк кредити, 200 миллион сўм касабаси уюшмалари маблағлари ҳисобидан оёққа турмоқда.

– Янги корхона очиб, одамларни иш билан таъминлаш ниятимни касабаси уюшмалари қўллаб-қувватлаганидан жуда мамнунман, – дейди тадбиркор Шаҳноза Уролова. – Иш бошлаб юборишига деярли тайёр бўлиб қолдик. Насиб бўлса, маҳалламиз ва ёндош маҳалларда иш тақомат қилаётган хотин-қизлардан иборат жамоамиз билан катта ютуқларга эришамиз, деб ният қилганмиз.

Хуллас, Каттақўрғон туманида ҳам ҳаёт яхши томонга ўзгариб бормоқда. Ҳовли тўйлари яхши кўшничилик ришталарига боғланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Фарҳод ҲАНАПИЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда «Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари ёппасига ишдан бўшатилади ва уларнинг манфаатлари поймол этилди» деган мазмундаги гап-сўзлар кўпайди. Бу гапларда нечоғли асос бор? Хабарларнинг манбалари қаерда? Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши шарҳида шу саволларга атрафлича жавоб берилди.

Президентимизнинг шу йил 25 июндаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиология оқоийшталари ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология оқоийшталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинулари тугатилиб,

Санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъзур фармоннинг 14-бандида Санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилаётгани муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология оқоийшталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси ва

улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хатлари берилгани аниқланди.

Табиики, бу ҳолат тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнат ҳўқуқларини бузиши баробарида пандемия шароитида коронавирус инфекцияси билан кураш майдонининг энг жанговар қисмида фаолият юритаётган санитария-эпидемиология тизими ходимлари кайфиятига ҳам салбий

аслида Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинулари тегишинча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология оқоийшталик агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинулари ҳўқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳўқуқий ворислари ҳисоблангани инобатга олинса, ушбу мажбурият ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига ҳам тегишли экани аён бўлади. Бу эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология оқоийшталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нazorати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинуларида меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар би-

лан амалда бўлган меҳнат шартномалари Меҳнат кодексининг 98-моддаси 1-қисмига асосан корхона қайта ташкил этилганда (кўйиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилган) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этиши лозимлигини аниқлатади. Соддароқ қилиб тушунтириладиган бўлса, амалдаги қонунчиликда ташкилот бутунлай тугатилган ҳолатда унда

ишловчи барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилиниши, ташкилот қайта ташкил этилган ҳолатда эса ҳозирда меҳнат қилаётган ходимлар ўз меҳнат фаолиятини давом эттиривериши, фақатгина лавозими қисқараётган ходимларга бу ҳақда огоҳлантириш хатлари берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қонунчиликда ташкилот қўйиб юбориладиган ҳолатда қонун қарамоғида икки ва ундан ортиқ киши, оиласининг яққа-ёлғиз боқувчиси ва кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар, шу корхонада меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганлар ва бошқа бир қатор имтиёзга эга бўлган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга умуман йўл қўйилмайди.

Қўриниб турибдики, амалдаги қонунчиликда «корхонанинг тугатилиши» билан «корхонанинг қайта ташкил этилиши» тушунчаси ўртасида меҳнат муносабатларини қўллашда жуда катта тафовут мавжуд. Шу сабабли Республика кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлигига бу жараёни «ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил

Касабаси уюшмаси шарҳи

«Кашлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали маълум қилади:

«Ishonch» газетасининг шу йил 8 августдаги сониди чоп этилган ёндоқда 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлов юзасидан тендер тавсияларининг тендер тақдирларини тақдим этишининг мuddати ана (15) ўн беш кунга узайтирилди.

Тендер тақдирларини тақдим этишининг мuddати – 2020 йил 24 сентябрдан.

«ZAMIN AVTO SPECTOR» МЧЖ маълум қилади: «Ishonch» газетасининг 22.08.2020 йилдаги 85 (4370) сониди чоп этилган эълонига қўйилган «Zamin Avto Spector» МЧЖ вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 4 сентябрдаги хатига асосан қўйилган қўшимча шартлар киритилмоқда: «Стиляётган ускуналарнинг фойдаланиш вақти 18 ой икки йилга даяр бўлган. 7 йилга тенг бўлиб ўрнатиш шартлари асосида сотилиши тўғрисида ва олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб беш банк иш куни ичюда савдо гошбиди ҳақидаги ҳақлар тўлиқлиги ҳисобга олинган ҳудудий 150 000 000 сўм тўловни амалга ошириш мажбурияти оқланади.» Маълумот учун «ZAMIN AVTO SPECTOR» МЧЖ. Тел: (93) 304-43-95.

Эълонлар

«Кашлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали маълум қилади: «Ishonch» газетасининг шу йил 8 августдаги сониди чоп этилган ёндоқда 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлов юзасидан тендер тавсияларининг тендер тақдирларини тақдим этишининг мuddати ана (15) ўн беш кунга узайтирилди.

«ZAMIN AVTO SPECTOR» МЧЖ маълум қилади: «Ishonch» газетасининг 22.08.2020 йилдаги 85 (4370) сониди чоп этилган эълонига қўйилган «Zamin Avto Spector» МЧЖ вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 4 сентябрдаги хатига асосан қўйилган қўшимча шартлар киритилмоқда: «Стиляётган ускуналарнинг фойдаланиш вақти 18 ой икки йилга даяр бўлган. 7 йилга тенг бўлиб ўрнатиш шартлари асосида сотилиши тўғрисида ва олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб беш банк иш куни ичюда савдо гошбиди ҳақидаги ҳақлар тўлиқлиги ҳисобга олинган ҳудудий 150 000 000 сўм тўловни амалга ошириш мажбурияти оқланади.» Маълумот учун «ZAMIN AVTO SPECTOR» МЧЖ. Тел: (93) 304-43-95.

Металлургия ва машинасозлик сановати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи Сергей ВЬОНЕНКОнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдирилди.



Мақтаб кўрмаган КИНОЧИЛАР

Кимнингдир айби ёки хатоси деб бошқаларнинг жабр чекиши, шундай вазиятларнинг экранда меъёрдаги табиий ҳолдек талқин этилиши нечоғли тўғри, нечоғли адолатли? Бир неча йил олдин юртимиз киноижодкорлари суратга олган «Билимлар қироли» номли фильмни кўриш асносида шу каби саволлар тўғилди.

Урта яшар мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бу киноасарда айни шундай «мантиқ»қа асосланган эпизодлар борки, улар ғоя даражасига кўтарилган. Аввало Хислатилла Пўлатов режиссёрлигида яратилган, фантастик воқеаларга бой фильм тафсилотларига тўхталаск.

КИНОЧИЛАР

нинг ҳузурига арз қилиб боришади. Уларнинг шикоятлари қондирилади ва сеҳр кучи билан болалар турли жазоаларга йўлқолади. Чунончи, тўполончилардан бири география дарсида «Ҳиндистон шимолӣ кутубда жойлашган» дегани учун у оғайни Арктикага, сўнг у ердан Хитойга жўнатилади. Алгебра дарсида эса бир ўқувчи (ҳа, биргина бола!) икки поезднинг ҳаракат йўналиши билан боғлиқ масалани нотўғри ечгани учун бутун синф ва шу фан ўқитувчиси сира тўхтамайди қандайдир тезорар поездда пайдо бўлиб қолишади. Рўпарадан эса бошқа бир поезд яқинлашиб, тўқнашув хавфи туғилади. Гап шундаки, ҳалиги боланинг хатоси учун «Билимлар қироли» унга қўшиб қолганларни ҳам сеҳр-жоду воситасида жазолайди. Агар ўқувчи масалани қайтадан тўғри ишламаса, фалокат юз бериши мўқаррар эди. Хуллас, охириги сонияларда хато тўғрилиб, фожианинг олди олинади. Ўз навбатида, тарих дарсидаги биргина янглиш жавоб янада антиқа ҳодисага сабаб бўлади. Ҳалиги тўполончилардан бири

«Ибтидоий одамлар динозаврлар замонида яшаган» дегани туфайли тарих муаллими ва унинг ўқувчилари ибтидоий одамлар билан Юра даврига тушиб қолишади. Кўпдан-кўп хавф-хатарлардан сўнг бу оғир ҳолатдан ҳам чиқиб кетилади.

Энди шу тафсилотлардан келиб чиққан эътирозларимизни баён этсак. Собиқ шўро даврида «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган тамойил ҳукмрон бўлганини кўпчилик билди. Худди шундай адолатсиз ва мантқиқсиз тутум «Билимлар қироли»да билиб-билмай тарғиб қилинган. Билимлар қиролининг мана бу гаплари ҳам ажабланарли: «Уларни (яъни тўполончини) ўз вақтида тартибга чақирмагани учун синфдошлари ва ўқитувчиларини оғир аҳволга соламиз». Ҳўш, нега қайсидир болаларнинг айби деб ўқитувчи ва синфдошлари ҳам азият чекиши, ҳатто ҳаётлари хавф остида қолиши керак? Нима, ҳар бир ўқувчининг зиммасида синфдошларнинг юриш-туриши, ҳуқуқ, ўқушига нисбатан масъулият юклатилганими? Таълим тизимида борми шундай жавобгарлик? Шу ўринда қадимги юнчи

Мулоҳаза

ҳикмати эслаш жоиз: «Барча одамлар фақат ўз ишлари билан шуғуллансагина, олам гулистон бўлади».

Бу фильмда биз мантқиқ топмаган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, «Билимлар қироли»га кимё, она тили, чет тили, физика дарсликлари ҳам шикоят қилинади-ю, аммо негадир уларга дахлдор воқеа ва эпизодлар йўқ. Бундай тимсоллар шунчаки бекордан-бекорга тасвирланган. Қолаверса, тарих дарсида ибтидоий тузум ҳақида гап кетади-ю, боя айтганимиздек, ўқувчи айнан ўша давр ҳақидаги саволга хато жавоб беради. Ҳолбуки, 7-синфда ибтидоий жамоа тузumi мавзуси умуман ўқитилмайди. Устига-устак, география ўқитувчиси Ҳиндистон қаерда жойлашгани ҳақида савол беради. Аслида 7-синфда ҳақон географияси эмас, Марказий Осиё ва Ўзбекистон географияси ўрганилади. Буни изоҳлашга ҳожат бўлмас керак. Фильм ижодкорлари булардан беҳабар, шекилли? Улар арзимас тулоладиган бундай муҳим деталарга эътиборли бўлиши лозим эди. Ҳар ҳолда, томошабилар орасида 7-синф ўқувчилари кам эмас.

Фильмдаги бундан бошқа техник хатолар, мазмундаги ғализликлардан кўз юмиш мумкин. Аммо ўзбек боласи учун хос бўлмаган эпизод – бир боланинг синфдош қизни кўтариб олиши саҳнасини «ҳазм» қилиш жуда мушкул.

Яқинда «Билимлар қироли» «Boilajon» телеканалда намойиш қилинди. Бир азамат синфдош қизни кўш қўллаб кўтаргани акс этган бундай сифатсиз фильм кичиктойларга, ёш томошабиларга, фарзандларимизга нима беришини телеканал маъмурияти тузукроқ ўйлаб кўрса, яхши бўлар эди.



Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»



ОДОБЛИ БОЛА ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Ҳеч эътибор қилганмисиз – бирон ўсмир жиноятга қўл урса, «Маҳалла қаерга қараган?», «Мақтаб қаерда эди?», «Ўқитувчиси нима қилган?» қабилидаги саволлар кўпаяди. Жиноят юз берган маҳалла ва мактаб маъмуриятидан кимгадир «ҳайфсан» берилган, ҳатто ишдан бўшатиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бироқ ҳаётӣ тажрибалар шунини кўрсатяптики, муаммага бу тарзда ечим топиб бўлмайди. Ота-она иштирокисиз болага муносиб тарбия беришининг имкони йўқ.

«Бола азиз, одоби ундан азиз» дейди халқимиз. Дарҳақиқат, фарзанди келажакда ўзига гамхўр ва меҳрибон бўлишини орзу қилган ота-она унинг тарбиясига етарлича эътибор қаратиши шарт. Шунчаки қорнини тўқ, устини бут қилиб қўйиш билан мақсадга эришиш қийин. Фарзанди ҳар томонлама қилиб, соғлом бўлишини истотаган ҳар бир ота-она ундан меҳрини, кўмагини аямаслиги керак. Фарзанд тарбиясида ўта синчковлик, ҳар боланинг ўзига хос феъл-атворидан келиб чиқиб, муомала қилиш зарур ҳисобланади. Болалар ўта фаол бўлишади. Абу Али ибн Сино «Ҳар бир ёшнинг ўз қонуниятлари бор, боланинг даврининг қонунияти – бу ўйинлардир» деган экан. Дарҳақиқат, ўйинлар боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир этади, унинг соғлом ривожланишига кўмаклашади. Бироқ, ҳар нарсада меъёрни унутмаслик керак.

Етук аъзолари қилиб шакллантираётган ота-оналар қанчадан-қанча.


Мақсадимиз фарзанд тарбиясида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти нақадар катталигини яна бир бор эсга олиш. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мактаб жамоаси ва оила мунтазам равишда ўзаро мулоқотда бўлиб, боланинг ўсиши, юриш-туриши, ёшга доир айрим муаммолари, феъл-атвориди ўзгаришлар ҳақида фикр алмашиб бориши муҳим. Ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, бола ўзини жамоада қандай тутуши, қайси фамилятлари устун, қандай камчиликлари кўпайиб ёки камайиб бораётганини таҳлил қилиш, шунга кўра таъсир чораларини қўллаш зарур. Ўқитувчи ҳар бир ҳолатни тўғри баҳолаши, бошқа муаллимлар билан маслаҳатлашиши, болага унинг кўнглига оғир ботмайдиган қилиб тушуштириши лозим бўлади. Ўқитувчи ота-онага фарзандидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, жазавога тушмасдан, тўғри қабул қилиши, «ўқитувчинг ёмонлиги» дея боласини койимаслиги керак. Аксинча, ўқитувчи билан суҳбатлашганини сездирмасдан, боланинг нуқсонларини очиб айтмасдан, турли ривоят ва ҳикоятлар ёрдамида унга таъсир кўрсатиш йўллари излаган маъқул.

Бола ҳеч қачон ўз-ўзидан одоли, билими бўлиб қолмайди, одоли бола осмондан тушмайди. Етук инсон муносиб таълим ва тарбиянинг маҳсулидир.

Сентябрь – бошланғич таълим фан ойлиги, деб эълон қилинди. Биз бу ойлик, доирасида маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Зеро, кўпни кўрган маҳалла фаоллари кўмагига ҳар доим эҳтиёж сезамиз.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидидаги учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақидаги фикрлар ҳаммамизнинг қалбимизда акс садо берди. Пойдеворнинг мустақам бўлиши ва учинчи Ренессанс даврининг қанчалик тез бошланиши нафақат давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларга, балки ҳар биримизнинг бу ислохотлардаги иштирокимизга боғлиқдир. Жумладан, ота-онанинг фарзандига муносиб тарбия беришининг аҳамияти катта. Шундай экан, болаларимиз оланда доим масъулият ҳис қилайлик, эртага улар билан ғурурланишимиз учун бугун муносиб тарбия берайлик.

Зейниссо ҚАЛАНДАРОВА, Урганч шаҳридаги 93-мактаб интернати бошланғич синф ўқитувчиси



Қорақалпоғистон Республикаси

Хўжайлининг янги дарвозасида кўҳна тамаддун акси



Хўжайли туманига кирган жойда янги рамзий мажмуа очилди. Унда туманининг 2400 йиллик узоқ тарихига оид кўргазма ўз аксини топган.

– Бу орқали биз бугун дунёга мамлакатимизнинг бетакрор маданий меросларини, очик осмон остидаги ниҳоятда бекис тарихий ўтмишини танитиб, туризмнинг ривожланишига кенг йўл очишни мақсад қилганимиз, – дейди Хўжайли тумани ҳокими Женгис Ермашев. – Ушбу тарихий кўргазма мажмуасини яратиш госянини туманимизнинг ёшлари илгари сургани янада аҳамиятли.

Хўжайли Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарларнинг бири ҳисобланади. Урта аср ёзма манбаларида Хўжайли шаҳри Миздакхан деган ном билан машҳур бўлган. У ҳақда Х асрда истиқомат қилган араб географлари Ибн Русте ҳамда ал-Истраҳий маълумот қол-

вақт ривожланишдан тўхтаб қолди.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк Ипақ йўли фаолияти тикланди ва Хўжайлида ҳаёт ўз маромига қайта бошлади. Шу даврларда Хитой, Ҳиндистон, Иран, Сурия давлатлари, Волга бўйи ва Қора денгиз соҳилларидаги шаҳарларнинг савдогарлари, саёҳатчилари шу жойда тўхтаб ўтган.

Шаҳар аҳолиси заргарчилик, тўқимачилик, қурилиш, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик каби 60 га яқин ҳар хил хўнарамандчилик турлари билан шуғулланган.

Ривоятларга кўра, қадим замонларда Хўжайлида нон ёпадиган тандирлар жуда кам бўлган. Битта кўчага атиги битта тандир хизмат қилган. Бу Хўжайли халқининг бирдамлигини, тотувлигини аңлатган. Одатда душманлар бирон шаҳарни босиб олмоқчи бўлса, шу шаҳарда қанча тандир борлигини текшириб чиқарар экан. Агар тандир кўп бўлса, демек у ерда халқнинг бирдамлиги йўқлиги маълум бўлган.

Хўжайли тарихини эслатувиши ушбу мажмуада Миздакхан эсдаликлар мажмуаси ҳамда унга кирувчи Мазлумхан сулув мавзолейи, Шамун Наби мақбараси, Жўмарт қасоб тепалиги, Ережеп халфа уйи ва бошқа ёдгорликлар ҳам тасвирланган.

Деворга «Хўжайлига пиёда келган, от миниб кетади» деб ёзилган. Ушбу ибора минг йиллардан буён бизнинг давргача етиб келган. Бу Хўжайлига ҳеч нарса сиз келган киши ҳам бойиб кетади, деган маънони аңлатади. Чунки Хўжайли – савдо қарвонлари ўтадиган, ҳаёт қайнаган шаҳар бўлган.

Хўжайли тумани 1927 йилда ташкил топган. Айни пайтда аҳолиси 123 минг нафардан ортик. Туманда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал сурьатда ривожланмоқда.



Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Тарих ва бугун

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5068

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхат олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сўҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлини), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсул қотиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул қотиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий ҳамкорликнинг аҳамияти нақадар катталигини яна бир бор эсга олиш. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мактаб жамоаси ва оила мунтазам равишда ўзаро мулоқотда бўлиб, боланинг ўсиши, юриш-туриши, ёшга доир айрим муаммолари, феъл-атвориди ўзгаришлар ҳақида фикр алмашиб бориши муҳим. Ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, бола ўзини жамоада қандай тутуши, қайси фамилятлари устун, қандай камчиликлари кўпайиб ёки камайиб бораётганини таҳлил қилиш, шунга кўра таъсир чораларини қўллаш зарур. Ўқитувчи ҳар бир ҳолатни тўғри баҳолаши, бошқа муаллимлар билан маслаҳатлашиши, болага унинг кўнглига оғир ботмайдиган қилиб тушуштириши лозим бўлади. Ўқитувчи ота-онага фарзандидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, жазавога тушмасдан, тўғри қабул қилиши, «ўқитувчинг ёмонлиги» дея боласини койимаслиги керак. Аксинча, ўқитувчи билан суҳбатлашганини сездирмасдан, боланинг нуқсонларини очиб айтмасдан, турли ривоят ва ҳикоятлар ёрдамида унга таъсир кўрсатиш йўллари излаган маъқул.

Бола ҳеч қачон ўз-ўзидан одоли, билими бўлиб қолмайди, одоли бола осмондан тушмайди. Етук инсон муносиб таълим ва тарбиянинг маҳсулидир.

Сентябрь – бошланғич таълим фан ойлиги, деб эълон қилинди. Биз бу ойлик, доирасида маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Зеро, кўпни кўрган маҳалла фаоллари кўмагига ҳар доим эҳтиёж сезамиз.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидидаги учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақидаги фикрлар ҳаммамизнинг қалбимизда акс садо берди. Пойдеворнинг мустақам бўлиши ва учинчи Ренессанс даврининг қанчалик тез бошланиши нафақат давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларга, балки ҳар биримизнинг бу ислохотлардаги иштирокимизга боғлиқдир. Жумладан, ота-онанинг фарзандига муносиб тарбия беришининг аҳамияти катта. Шундай экан, болаларимиз оланда доим масъулият ҳис қилайлик, эртага улар билан ғурурланишимиз учун бугун муносиб тарбия берайлик.

Зейниссо ҚАЛАНДАРОВА, Урганч шаҳридаги 93-мактаб интернати бошланғич синф ўқитувчиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Республикаси – (+998-99) 889-90-22

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23

Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31

Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34

Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02

Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28

Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44

Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26

Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55

Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32

Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24

Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01

Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»да олинган маълумотларда манба сифатида газета ном қўрсатилган шарт.

Муаллифлар фикр таҳририни нуқта назардан фарғаниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов

Саҳифаловчи: Х. Абдуқалилов

Мусаҳҳи: Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – 21:00

Топшириш – 20:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буортма Ғ – 917.

27841 нускада босилди.

Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоси наъшиланган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharg» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорқона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳрират ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ishonch bank» Яншообод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130